5.3. “Истеъмолчи” енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлгандаги ўчишлар ва бошқа ҳолатлар учун, “Корхона” “Истеъмолчи” олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан амалдаги қонун, фармон, қарор, низомлар асосида тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан хал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома **2022 йил 31 декабргача** бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда қўлланилмайди, балки кейинги ойдан кучга киради.

Бюджет ташкилотлари учун : Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб Ғазначилик органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган холда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқийдир.

Электр таъминоти шартномасига 4 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги**
**ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси**
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. “Истеъмолчи”нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:
а) хаво линиялари ______________________________

б) кабель линиялари ______________________________

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари ______________________________

2. “Истеъмолчи” ва “Корхона” ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси:
Истеъмолчи уланган таянч икки солингдан мансублик чегараси аниқланади.

3. Улардан қуйидагиларга:
а) **Мансублик барча электр чегарасидан кейин уланган жихозларига истеъмолчи техник** хизмат кўрсатиш “Истеъмолчи” ходимлари томонидан,

б) ______________________________

“Истеъмолчи” билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: **Мансублик чегарасидан кейин уланган барча электр жихозларига истеъмолчи жавобгардир.**

**Вакиллар:**

| **Истеъмолчи** | **Корхона** |
|---|---|
| ______________ | ЭТК бошлиғи Ж.Шамсиев ___________ |
| ______________ | ЭТК бош мухандиси Ш.Жиянов ________ |
| М.Ў. | ЭСД ва ШХКРХ ______________ |
| | М.У |